

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 8 март
сешанба
№ 09 (1317)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

Энг сўнги хабарлар
Хуқуқий маълумотлар
Тахлилий мақолалар
Мурожаатга жавоблар

Байрам муборак, азиз онахонлар, опа-сингиллар!

**Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
8 март — Халқаро хотин-қизлар
кунига бағишланган байрам тадбиридаги
маърузасидан иқтибослар:**

“Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганининг улугъ неъматини, тенгсиз мўъжизасини, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди.

“Хотин-қизлар ва оила масаласи — бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажакимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фарҳадига бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўн та яхшилик бўлиб қайтади.

“Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун, янги тарихий даврга қадам қўйдик. Фарзандларимиз қалбига улугъ мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш — барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир.

“Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдевори бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз.

“Ҳар қандай халқнинг етуқлик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажакини яратишлари, ҳаммамизга яхши аён. Шу боис, донишмандлар: “Битта қиз болани ўқитсангиз — бутун оилани ўқитган бўласиз”, деб бежиз таъкидламаганлар. Қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошлаган ишларимизни, бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

УЛАРНИНГ ИККИСИ ҲАМ УЛУҒДИР

Она ва устоз: улардан қай бири улугъроқ? Бу саволга ҳамма ҳар хил жавоб беради. Гапларини қувватлаш учун турли ақлий далилларни келтирадидилар.

Она сизга меҳрини, бор вужудини беради. Устоз эса, ҳаётни танитади. Бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, иккаласининг ўрни алоҳидадир.

Шундай экан, бизнинг бахтимизга оналаримиз ва устозларимиз доим соғ-омон бўлишсин. Шу ниятларимни оналаримиз ва устозларимиз газета саҳифаси орқали ўқитганидан мамнунман.

Шу билан бирга, барча оналаримизни, опа-сингилларимизни баҳорнинг ғўзал айёми — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этамиз!



Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Адлия вазири



Алишер КАРИМОВ,
Адлия вазири ўринбосари

ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДАСИЗ

Она — улугъ зот. Она сизга борлигини бахшида этадиган ягона инсон.

Инсон ҳаётида устозларнинг ҳам ўрни беқийс. Мактабда устоз, уйда эса ота-она болани мутолаага қорласа, кўзлаган мақсадга осон эришиш мумкин. Шундай экан, оналаримиз ва устозларимизни қадрлайлик.

Шу фурсатдан фойдаланиб, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан барча хотин-қизларни самимий муборакбод этамиз.

Доимо яқинларингиз, фарзанд ва набираларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиб юриш насиб этсин!

УСТОЗИМИЗГА ҲАВАС ҚИЛГАНМИЗ

Устозим — юридик фанлар доктори, профессор Мавлюда Ахатовна бизга университетда Давлат ҳуқуқи ва назарияси фанидан дарс берган. Ушбу фан барча ҳуқуқ фанларининг асоси ҳисобланади. Устозим биз — талабаларни ҳуқуқ оламига шундай қизиқтириб олиб кира олганки, кейинги дарсларни ҳам кўтиб қолардик. Айниқса, биз ўқишга кирган даврларимизда имтиҳонлар тарих, она тили ва инглиз тилидан бўлар эди. Шу сабабли ўқишга кириш учун шу фанлардан кўпроқ тайёрланардик. Мавлюда опа ҳали ҳуқуқ фанини яхши тушунмаган ёшларни профессионал маҳорат билан фанга йўналтирар, талабалар берган саволларга эринмай жавоб берар, маслаҳатларини аямасди. Устозимизнинг камтар ва самимийлиги, масъулияти ва илмий салоҳиятига ҳавас билан қарардик.

Мана, бугун устоздан ўрганган билим ва кўникмаларим менга ҳар куни, ҳар доим касбий фаолиятимда керак бўлаяпти. Байрам муносабати билан энди “Инсон ва қонун” газетаси устозимизнинг хонадонига мунтазам кириб боради.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз устозларимизни, мўътабар опа-сингилларимизни 8 март байрами билан табриклайман. Гўзаллик, нафосат ва шижоат доим ҳамроҳингиз бўлсин!



Фурқат ТОЖИЕВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази директори



**Маълумот
ўрнида:****Хадича Сулаймонова —**

- юридик фанлар доктори, профессор, академик.
- 22 ёшида Ўзбекистон Республикаси Олий суди аъзоси.
- 37 ёшида юридик фанлар доктори.
- “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлган биринчи ўзбек аёлларидан.
- Республика Суд экспертизаси Маркази асосчиларидан.
- Адлия вазيري ва Олий суд раиси лавозимларида фаолият кўрсатган юксак мартабали аёл.

Уруш йиллари икки йил вазир лавозимида ишлаган Гўлсара Ҳафизовна тўғрисида манбаларда маълумот жуда кам. Бироқ Хадича Сулаймонова ҳамда Мамлакат Восиковалар узоқ вақт вазирликни бошқарган раҳбар аёллар сифатида тарихда ўчмас из қолдирган. Бу фидойи аёллар устоз ва шогирд сифатида ҳам алоҳида фахрга муносиб. Мамлакат Восикованинг илмий ишига айнан Хадича Сулаймонова илмий раҳбарлик қилган. Икки аёл ҳам тенгсиз олима эди.

1913 йил 3 июнь... Иссиқ ёз куннда андижонлик оддий ишчи Сулаймон Келгинбоев хонадонидида Хадича дунёга келди. Оилада тўрт фарзанднинг учинчиси бўлган кизалоқ маърифатли ота-она тарбиясини олди, рус тўзем мактабини тамомлади. Хадичанинг ҳуқуқшунослик касбига қизиқишига ўша даврдаги жиддий ижтимоий-сиёсий воқеалар ўз таъсирини кўрсатган.

“Ҳужум” ҳаракати жараёнида кўплаб аёллар паранжи ташлаб, жамиятдаги жараёнларда фаол қатнаша бошладилар. 1929 йили Маргилонда Нурхон исмли актрисанинг ўз акиси томонидан пичоқлаб ўлдирилиши катта резонанс берганлиги ҳозир ҳам даҳшат билан эсга олинади. Нурхон озод ва бахтиёр бўлиш ҳуқуқи учун курашган кўплаб хотин-қизларнинг бири эди. “Ҳужум” ҳаракати давомида жами 200 дан ортиқ аёллар ўз яқинлари, қариндошлари ва мутаассиблар томонидан ўлдирилган.

Судда ёш Хадичани жамоат қораловчиси бўлиб қатнашган, биринчидан бўлиб паранжисини ташлаган фаол аёл — Тожихон Шодиева кўпроқ қизиқтирди. Хадича ўз синглисини, истеъдодли хонанда, гўзал овоз соҳибаси бўлган Нурхонни ваҳшийларча пичоқлаб ўлдирган жиноятчиға қараб гапирарканда ўз нафратини, ғазабини яширмай, оташин нутқ сўзлаётган ҳуқуқшунос аёлни ҳаяжон билан қулатиб ўтирди. Тожихон Шодиевнинг сўзларидан ва ўзини тутишидан ҳаяжонланди. Суд жараёнидан жиноятчини қоралаш нақадар қудратли кучга эга эканлигини,

бу нафақат жиноятчини, балки бутун жамиятни тарбиялашини тушунди.

ШУ СУД ЗАЛИДА 17 ЁШЛИ ХАДИЧАНИНГ КЎНГЛИГА ХУДДИ ТОЖИХОНДЕК БЎЛИШ, ҚАТТИҚҚЎЛ ВА ВИЖДОНЛИ, ЎЗИНИНГ СОБИТ СЎЗИГА ЭҒА, АДОЛАТНИ, ҲАҚИҚАТНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚШУНОС БЎЛИШ ИШТИЁҚИ УЙҒОНДИ.

Ҳозирги кунда аёл адвокат, юрисконсульт, ҳуқуқшунос, судья деган тушунчалар одамлар онгига анча сингиб, жамият томонидан оддий ҳолдек қабул қилинмоқда. Бироқ йигирманчи асрнинг 30-йилларида аёл — судья, аёл — терговчи — фавқулодда ҳодисадек қараларди. Шундай шароитда аёл боши билан ҳуқуқшунослик касбини танлаш — ўзига хос инқилоб эди. 1931-1935 йилларда Хадича Сулаймонова ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтининг тайёрлов курсида, сўнг мазкур институтнинг ҳуқуқ факультетида тахсил олган.

Х.Сулаймонова Йўлдош Охунбоевнинг қўлидан битирувчи дипломини олишга муваффақ бўлган. У 1935 йили институтни тамомлагандан кейин халқ судьяси бўлиб ишлай бошлади. Ўша йили у Республика Олий суди аъзолигига сайланди. 22 ёшида шундай юксак ишончга ҳам аёллар, ҳам эркаклар орасида биринчилардан бўлиб сазовор бўлиш юксак ишонч ифодаси эди. Хадича бу ишонччи оқлади.

Х.Сулаймонова 1938 йил Москва ҳуқуқшунослик институтининг жиноят ҳуқуқи кафедраси аспирантурасига қабул қилинди.

Сайёра ХОДЖАЕВА,
юридик фанлар доктори:

**ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ МОСКВАДА
ЎҚИШИ ЎША ДАВРДА КАТТА
ЖАСОРАТ ЭДИ**

— Ўша даврдаги менталитетни ҳисобга оладиган бўлсак, ёшлигига қарамасдан, ўзбек аёлининг Москвада ўқиб, шу даражага етиши, икки йилда диссертацияни ҳимоя қилиб, 37 ёшида фан доктори бўлиши осон кечмаган, албатта. Тўғри, ҳозир кўпчилик қизларини бошқа давлатларга ўқишга юбориши оддий ҳолга айланган. Аммо ўша даврда бу катта бир жасорат белгиси эди. Мен уларни жуда яхши тушунаман. Ўзим ҳам Санкт-Петербургда бориб, биринчи йили ўқишга киролмасдан, тўқимачилик фабрикасида ишлаб, ўқишга иккинчи йилда қабул қилинганман. Илмий иш билан шугулланишдаги машаққатларни ҳам ўз бошимдан ўтказганман. Шунинг учун опанинг бошидан ўтган қийинчиликларини жуда яхши ҳис қиламан.

ДАВР СИНМАГАН

АЁЛ — Яратганинг тенгсиз мўъжизаси. У меҳр ва муҳаббат, садоқат ва нафосат тимсоли. Тарих ва ўтмиш саҳифаларида ҳам аёл қолдирган улғувор ва мунаввар изларни кўриш мумкин. Бунга Ўзбекистон адлияси тарихидаги бетакрор зарварақлар гувоҳ. Уч нафар аёлнинг адлия вазирли лавозимида ишлаб ўтгани, албатта, ҳар қанча ифтихорга сазовор. Улар Гўлсара Ҳамзина, Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восикова.

Ҳақиқатан ҳам, Хадича Сулаймонова энг оғир йилларда — 1945 йили ҳуқуқшунослик фани бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, “Жиноят ҳуқуқи” кафедрасида мудирлик вазифасига тайинланган. 1950 йилда эса ҳуқуқшунослик бўйича докторлик диссертациясини ёқлаб, юридик фанлар доктори илмий унвонига эга бўлиб, олималик даражасига эришган. У юридик институтда бир қатор раҳбарлик лавозимларида ишлаб, 1954 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлган биринчи ўзбек аёлларидан ҳисобланади. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида декан ва кафедра мудирлиги вазифасида фаолият кўрсатган.

Ҳалим БОБОЕВ,
юридик фанлар доктори,
профессор:

**БИРИНЧИ АКАДЕМИК АЁЛ
СИФАТИДА ТАРИХДА ҚОЛДИ**

— Хадича Сулаймонова ўзбек аёллари орасида биринчи академик аёл сифатида ҳам тарихда қолган. Опа ҳам амалиётда, ҳам назарийда бизга устозлик қилган. Улар ўқиган вақтда аёлларнинг илм олиши низоҳатда қийин эди. Хадича опанинг мутахассислиги жиноят ҳуқуқи бўлиб, ушбу йўналиш ўша вақтда унча ривожланмаган, мураккаб фанлардан бири бўлган. Қийинчиликларга қарамай, барча тўсиқларни энгиб ўтиб, фан доктори, академик бўлиш учун курашди. Ўша даврни ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳаммининг ҳам қўлидан келмасди. Устоз фақатгина ўзи ўқибгана қолмай, мамлакатимизда ҳуқуқшунослик соҳасидаги фанларнинг тикланишига ҳам жуда катта ҳисса қўшган инсон. Олима ёзган ва нашр этилишига кўмаклашган бошқа муаллифларнинг китоблари шу вақтгача ҳам кадрлар тайёрлашда илмий манба вазифасини ўтаб келмоқда. У академик бўладими, фан номзоди ёки Адлия вазирлиги сифатида раҳбарлик даражасида бўладими, ё Олий суд раиси бўлишидан қатъи назар оддий инсон, шогирдларга низоҳатда меҳрибон ва талабчан устоз сифатида бизни ўқишга даъват қиларди.

ИККИ АЁЛ — ИККИ РАҲБАР

1946 йилда Тошкент юридик институтини имтиёзли диплом билан битирган Мамлакат Восикова институтининг “Жиноят ҳуқуқи” кафедрасига аспирантурада ўқиш учун қолдирилади. М.Восикованинг илмий ишига Хадича Сулаймонованинг шахсан ўзи раҳбарлик қилади. Бу икки аёлнинг ўзаро алоқалари бир ўмр илқ ва яқин бўлган. Буни М.Восикованинг қуйидаги хотира-

ларидан сезиш мумкин:

— “Устозим Хадича Сулаймонова менинг илмий ишни доимо давом эттириб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилишимни жуда-жуда хоҳлар эди. Эсимда, Москвада диссертация ҳимоя қилаётганимда устоз ҳам қатнашган эди. Мен учун ким кўпроқ ҳаяжонланган эди, менми ёки менинг илмий раҳбаримми? У киши менинг илмий даражага эга бўлишим, ишимнинг муваффақиятли чиқишига, олима бўлишимга бутунлай ўзининг фикри-зикрини бағишлаган беназир устоз эди.

Ана шундай устоз ва оналик меҳрини, менга қийин бўлган пайтларда сўзи ва иши билан ёрдам беришга тайёр турганлигини ишим ва шахсий ҳаётимда доимо сезар эдим. Яъни, ёшлигимда ҳам, катта ўқитувчи бўлиб ишлаб юрганнимда ҳам, юқори лавозимларни эгаллаган пайтларимда — адлия вазирлиги ўринбосари, олий суд раисининг ўринбосари бўладими, катта оиланинг соҳибаси ва онаси бўлган пайтларда ҳам доимо сезиб турардим”.

Мамлакат Восикова 1952 йил адлия вазирлиги ўринбосари лавозимига тайинланганидан тўрт йил ўтиб, 1956 йилда Хадича Сулаймонова адлия вазирлиги лавозимига тайинланади. Эндиликда Хадича Сулаймонова Мамлакат Восиковани нафақат устоз, ишда ҳаммаслаб раҳбар вазифасига келади ва бу икки аёл раҳбарлигида вазирлик фаолияти янада ривожланади.

РЕСПУБЛИКА СУД-ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТЛАРДАН БИРИ. У 1958 ЙИЛДА АКАДЕМИК ХАДИЧА СУЛАЙМОНОВА АДЛИЯ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИДА ИШЛАГАН ЙИЛЛАР АЙНАН У КИШИНИНГ ТАШАББУС ВА ҲАРАКАТЛАРИ НАТИЖАСИДА ТАШКИЛ ТОПГАН.

Ушбу Марказ бугун Х.Сулаймонова номи билан аталади. Хадича Сулаймонова номи бугун ўзбек ҳуқуқшунослиги тарихида ёрқин ўринга эга.

**МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА
ИШОНМАСДИ...**

Хадича Сулаймонова миллатимизни кўз ёшлар билан эмас, балки билими, жасорати, қатъияти билан ҳимоя қила

БҲРОНИДА ГУЛЛАР

оладиган даражада юксак салоҳиятга эга эди.

Давлат ва жамоат арбоби Нуриддин Муҳиддинов хотираларидан:

— “1937-1939 йилларда қа- тағон қилинганларнинг тақди- рини ўрганиш жараёнида — Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев иши юзасидан мурак- каб вазият юзага келган эди. Чунки уларнинг ишини кўриб чиқиш ҳатто муҳомадан ҳам олиб ташланган эди. Шундай бўлса-да бу масалани кўта- ришга жазм қилдик. Бу бўйича Хрущёв мени диққат билан эшитди ва материаллар билан танишди. Хужжатлар тўпланди. Уларнинг оқлашиши бўйича ижобий қарор қабул қилинди. Мени завқлантирган ва фахр- лантирган жиҳат шу бўлдики, Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг хужжатларини йиғиб Москвага борганимизда уларнинг ҳар бир саволига, хужжатларига баҳо беришда ёки уларнинг гумон қилган жойларини тушунтиришда Хадича ўзининг олимлиги, донолиги, қонунларни яхши билиши ва мустаҳкам ирода- сини кўрсатди. Узоқ Андижон- дан чиққан бир ўзбек қизи ўша пайтлардаги СССР бош про- куратори Руденкони ҳам, унинг масъул ходимларини ҳам қойил қолдирди. Ўша йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонда 40 мингга яқин “халқ душ- мани” деб отилган ёки узоқ муддатга сургун қилинган ки- шиларни оқлаш керак эди. Бу тарихий, виждоний, инсоний ва ҳақиқат ишида Х.Сулаймонова ҳам ўзига хос хисса қўшди”.

1965 йили Республика Олий суди- нинг раиси Х.Сулаймонованинг соғлиги ёмонлашди. Уни Кремль шифохонасига жойлаштиришди. Аммо орадан маълум вақт ўтгач, опа ўзини уйга олиб кетишля- рини сўрайди. 1965 йил 26 ноябрда эса оғир касалликдан сўнг Хадича Сулаймо- нова Тошкентда вафот этади.

М.Восиқова:

“У киши мен учун талабчан ва меҳрибон устоз, шунингдек, иккинчи онам ҳам бўлиб, умри- нинг охиригача ўз ватанига, халқига сидқидилдан хизмат қилган миллатпарвар сиймо- лардан биридир”.

“МЕНИНГ ВАЗИРЛИК ЛАЗОЗИМ УЙИМ ОСТАНАСИДА ТУГАРДИ...”

Мамлакат Восиқованинг ҳаёт фао- лиятини ўрганаётганимиз, биз билан суҳбатда бўлганларнинг барчаси у кишининг яхши раҳбар, шу билан бирга яхши оила бекаси бўлганлигини таъкид- лашди. Уни ҳар бир ишда турмуш ўртоғи Икром Зокиров қўллаб-қувватлаганли- гини эътироф этишди.

Дилором КАРАХОДЖАЕВА, юридик фанлар доктори, профессор:

— Мен ўз илмий фаолиятимни Тошкент давлат юридик институти Фуқаролик кафедрасида бошлаганман. Ўшбу кафедрани кўп йиллар давомида профессор Икром Бекинович бошчилик қилганлар. Биз — шогирдлар усто- зимнинг оиласига, уларнинг бир-бирла- рига бўлган самимий муносабатларига ҳавас билан қарардик. Устозимиз билан фахрланардик. Мамлакат Восиқовага Адлия вазирлиги лавозимини тавсия этил- ганда, устозимиз ҳеч иккиланмай бунга рози бўлишини айтиб, ҳар доим ёнла- рида, қўллаб-қувватлаб, ёрдам бер- ганлар. “Аёлим иш юзасидан халқро анжуманларда қатнашган вақтларида ўй юмушларини, фарзандларимга бўлган ғамхўрликни ўз зиммамга олардим”, деб эсларди И.Зокиров. Мамлакат опани ҳақиқий ўзбек аёли, садоқатли рафиқа, олима, бағрикенг устоз, юридик соҳа ривожига муносиб хисса қўшган фидойи инсон сифатида қадрлаймиз.

Барчамизда “Нуфузли вазирликни бошқарган, юридик фанлар доктори, беш фарзанднинг онасига бундай мартабали лавозимда ишлаш, олим- лик машаққатлари оналик ва ўй бекаси вазифаларини тўлақонли бажаришга ҳалақит бермаганми?” деган савол пай- до бўлиши табиий. Бу саволга Мамлакат опа болгариялик талабалар билан учра- шувда шундай жавоб берган экан:

“Менин адлия вазирлиги сифатидаги фаолиятим нисбий маънода фақатгина ишдан ўй остонасига қадам қўйганимга қадр давом этади. Уйга кир- ганимдан кейин эса, мен оддий ўзбек аёлига, ўй бекасига ай- ланман ва ўзимга юклатилган барча аёллик вазифамни тўлиқ маънода бажараман. Бундай ҳолатда Сизлар мени танимас- лигингиз ҳам мумкин”.

Мамлакат опа адлия вазирлиги сифа- тида фаолият юритганда, республи- канинг барча ҳудудларига бориб суд, нотариат, ФХДларнинг фаолиятини, уларнинг шароитини ўрганган. Вилоят судлари, нотариал идоралар пасткам, кўримсиз биноларга жойлаштирил- гани, улар суднинг самарали фаолият юритиши учун қўлайликларга эга эмаслиги, суд заллари талабга жа- воб бермаслигини кўрса, ўша вилоят раҳбарлари қабулига кириб, масалани тушунтирар, муаммо ҳал бўлмагунча уларни тинч қўймаз эди.

Шунингдек, ўша пайтда адлия хо- димлари қаерда текширув ўтказмасин, аввало, биринчи навбатда шу камчи- ликларни бартараф қилишга ходимла- рининг ўзи амалий ёрдам беришлари кераклигини, бу ишни уларнинг ўзига- гина ташлаб қўйиш керак эмаслигини таъкидларди.

Шу билан бирга, ходимларига ҳам жуда эътиборли бўлган. Бир гал буй- рак операциясини бошдан ўтказган ходимини Москвага хизмат сафарига

юборишга тўғри келади. Бу топшириқ- ни опа шахсан унинг ўзининг аҳволини кўриб, ундан розилик олган ҳолда беради. Аммо кечқурун англиклар дастуридан Москвада ҳаддан ташка- ри совуқ бўлишини эшитиб, бирдан безовта бўлади ва бу совуқ ходимнинг хаста буйрағига салбий таъсир қили- шини ўйлаб, хизмат сафарига бошқа ходимни юборишга қарор қилади. Опа раҳбарлик қилган даврида биринчи навбатда инсон ва унинг кадр-қимма- тини юқори ўринга қўяр, олижаноблик- ни ҳам унутмасди.

80-ЙИЛЛАРНИНГ ЎРТАЛАРИДА СОБИҚ МАРКАЗ ТОМОНИДАН БОШЛАНГАН КАТАФОННИНГ СОВУҚ ШАМОЛИ ЎЗ ИШИГА ПРОФЕССИОНАЛ ЁНДАША- ДИГАН, БИРОВНИНГ БУРНИНИ НОҲАҚ ҚОНАТИШНИ ИСТАМА- ГАН АЁЛ, МАМЛАКАТНИНГ ЎША ПАЙТДАГИ 1-РАҚАМЛИ ЮРИСТИ МАМЛАКАТ ВОСИҚОВАНИ ҲАМ ЧЕТЛАБ ЎТМАДИ...

Алишер МАРДИЕВ, 1993-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли бўлган:

ТОЗА РАҲБАР, ВИЖДОНЛИ ИНСОН ЭДИ

— Мен юз фоиз аминманки, у киши тоза раҳбар эди, виждонли инсон эди. Ишдан кетишига Ўзбекистонга ташланган десантчилар сабабчи. Улар- га бунақа инсонлар ёқмасди ва керак эмас эди. Улар ўзларининг одамани қўйиши ва бу ерда ўз сиёсатларини юргизиши керак эди. Мана шуларнинг ҳаммасига у киши чидаб тура олмасди. Мамлакат опани қақариб, аризангизни ёзинг, дейишганида жуда хафа бўлган ва кабинетига келиб, китобларини олиб, хайр энди, ҳаммаларингизга раҳмат, мен кетдим, деб хонадан чиқиб кетган экан. 14 йил вазирлик қилган аёлга биров шунча йил ишладингиз, Сизга раҳмат, деб айтмаган.

Мамлакат Восиқованинг турмуш ўртоғи, ҳуқуқшунос олим, профессор Икром Закиров хотирасидан:

“Мамлакат Собировна ку- тилмаганда ишдан бўшаганли- ги ҳақида айтди. Адлия вазирли лавозимида ишлаш давомида бирон мартаба бировдан ёмон сўз эшитмаганлиги, бировга ёмонлик қилмагани ва бундан кейин ҳам қила олмаслигини айтди. Мен уни тинчлантирдим: лавозим бугун бор, эртага йўқ, аммо сизнинг билимингизни ҳеч ким тортиб ололмайди. Сиз фан доктори- сиз, профессорсиз. Шундай замонлар келадики, халққа жабр қилганлар жазосини олади, адолат албатта қарор топади, дедим”.



Маълумот ўрнида:

Мамлакат Восиқова —

- Республика Олий суди раиси ўрин- босари, адлия вазирлиги ўринбосари, адлия вазирлиги.
- юридик фанлар доктори, профес- сор.
- Фуқароларнинг ҳуқуқий мада- ниятини ошириш ишига муносиб хисса қўшганлиги учун академик Вавилов номидаги медаль соҳиби.
- ЮНЕСКОнинг қарори билан “Жаҳонга машҳур аёллар” тўпла- мида Ўзбекистондан номи кири- тилган ягона аёл.

АДЛИЯ ТИЗИМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

Кўряпмизки, ўша ўқиш ёки ишлаш тўғул, нон топиб ейиш қийин бўлган 30-40-йилларда ҳам ўзбек аёллари олима бўлиб етишиши, республиканинг юқори ташкилотларига раҳбар даража- сигача бўлган йўлни босиб ўтишга им- кон топа олишган. Уларнинг шижоатли ва масъулиятли, ибратли ҳаёт йўллари бугунги эркин ва фаровон, ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш учун шароит яратилган бир даврда яшаётган аёлларимиз учун ўрнак бўлиши керак!

Мамлакатимизда бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, Ўзбекистон бошқарув тизимида аёллар улуши 33 фоизга етди. Адлия тизимида хизмат қилаётган 7 минг 313 нафар ходимнинг 2 минг 742 нафари хотин-қизлар. Бу — 38 фоиз демакдир. Марказий аппаратда ишлаётган хотин-қизлар сони 66 нафар- ни ташкил қилади. 320 нафар хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Тизимдан 260 нафар аёл бошқа тизимлардаги раҳбарлик лаво- зимларига тайинланган.

Қачон аёлнинг кўнгли хотиржам ва ишида унумдорлик бўлади? Аёл қачон ўз ишини маҳорат билан бажариши мум- кин? Қачонки, унинг оиласи тинч ва фаровон, фарзандлари ва яқинлари соғлом бўлар экан, аёл ўзини бахтиёр сезади.

Аёл киши бир вақтнинг ўзида ҳам яхши ўй бекаси, фарзанд тарбиячиси, ҳам яхши ишчи бўла олмайди, деганлар адашди. Аёллар шу қадр мослашув- чан ва қучлики, буларнинг барчасини бир вақтда бекам қўст адо эта олади. Шу билан бирга, аёллар ҳам ўзларига ғамхўрлик қилинишини, нафосатли бўлишини, сеvimли машғулотларига вақт ажратишни исташиди. Ва бу жуда қувон- нарли ҳолат, албатта. Аёл ўз гўзаллиги ва меҳру муҳаббати билан барчага бахт улашади.

“Уч машҳур аёл” китоби
маълумотлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ҲАМШИРА ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯГА НЕГА ЧИҚА ОЛМАДИ?

ФУҚАРО Д.Аҳмедова Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимига имтиёзли асосларда ёшга доир пенсияга чиқиш учун ариза билан мурожаат қилган. Аммо комиссия қарорига кўра, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи айрим иш даврлари бўйича иш жойи аттестациядан ўтказилмаганлиги боис рад жавоби берилган. Бундан норози бўлган Д.Аҳмедова Сергели туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Аниқланишича, фуқаро Тошкент шаҳар 3-сон юқумли касалликлар клиник шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаган. 2012 ва 2017 йилларда шифохона маъмурияти томонидан зарарли иш ўринлари аттестацияси ўтказилган ва комиссия баённомасига кўра, унинг касби зарарли тоифа деб топилган. Лекин унга қадар номаълум сабабларга кўра, у ишлаган лавозим бўйича иш ўринлари аттестацияси ўтказилмагани учун 24 йил зарарли ишда ишлаганини исботлаш муаммоси пайдо бўлган.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси “б” бандига кўра, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига меҳнат шариоити зарарли ва

огир ишларда тўлиқ иш куни давомидида банд бўлган ҳодимлар — аёллар — иш стажига камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда эга бўладилар, деб кўрсатилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 295-моддасига кўра, фуқаролар ёки ташилотларнинг шахсий, мулкый ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўлган фактларни суд аниқлайди. Олий суд Пленумининг “Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 29 ноябрдаги 44-сонли қарорининг 5-бандига кўра, иш ўринларининг аттестация қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шариоитларида ишлаган-

лик фактини белгилаш ҳақидаги ишлар судда қўрилиши мумкин.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судига фуқаро Д.Аҳмедованинг 1994 йилдан 2012 йилга қадар юқумли касалликлар шифохонасида зарарли ишда ишлаган олдинги даврини аттестациядан ўтган йиллар билан тенглаштириш ва имтиёзли шартлар асосида ишлаганлик фактини белгилаб бериш ҳақида даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, туман адлия бўлимининг фуқаро Д.Аҳмедова манфаатида юридик фактни белгилаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилди.

Рустам АБУЛХАЙРОВ,
Сергели туман адлия бўлими бошлиғи

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҚАЙТАРИЛДИ

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан сайёр ва шахсий қабуллар давомидида 84 нафар фуқаронинг мурожаатлари қабул қилиниб, ижрога қаратилган. Мурожаатларнинг 67 таси тўлиқ қаноатлантирилишига эришилган, 17 та мурожаат юзасидан батафсил ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Жумладан, “Маржона Дурдона Сервис” МЧЖнинг 2019 йил биринчи чорак якуни бўйича 1 миллиард 285 миллион 420 минг 311 сўм миқдоридagi қўшилган қиймат солиғидан ортиқча тўловлари мавжуд бўлса-да, Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан қайтариб тўлаб берилмаётганидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ҳам туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасига кўра, жамият манфаатини кўзлаб вилоят давлат солиқ бошқармасига нис-

батан ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тўғрисида Термиз туманларо иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Даъво ариза суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилиб, “Маржона Дурдона Сервис” МЧЖ фойдасига Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармасидан 1 миллиард 285 миллион 420 минг 311 сўм қўшилган қиймат солиғини қайтариш юзасидан қарор қабул қилинди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ФУҚАРО М.Ражабовнинг пенсияга чиқиш чоғида меҳнат стажини тўлиқ ҳисобланмаганлигидан норози бўлиб ёзган шикоят аризаси Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида М.Ражабовнинг узок йиллар турли корхона ва ташкилотларда ишлаган даврларидаги меҳнат стажлари ҳақиқатан ҳам, пенсия жамғармаси томонидан инобатга олинмаганлиги маълум бўлди.

ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН МЕҲНАТ СТАЖИ...

Туман адлия бўлими томонидан аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида Тошкент туманлараро маъмурий судига киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси М.Улуғбек туман бўлимининг 2020 йил 24 сентябрдаги фуқаро М.Ражабовга тегишли қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси мансабдор шахслари зиммасига М.Ражабовнинг 1986 йилдан 2001 йилга қадар турли корхона ва ташкилотларда ишлаган даврларини 2020 йилнинг 24 сентябридан бошлаб умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш мажбурияти юклатилди.

Хусанбой НУСРАТИЛЛАЕВ,
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

ИНСПЕКТОР ҚАЕРДА ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙДИ?

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Қораўзак туманидаги “Чимбой асали” масъулияти чекланган жамияти раиси Д.Мадримовнинг давлат солиқ инспекцияси томонидан 94 миллион 84 минг 200 сўм ер солиғи ҳисобланиб, жамиятнинг ҳисоб рақамига тўлов топшириқномаси кўйилганидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Қораўзак тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур жамиятнинг олти ойлик фаолияти юзасидан 2021 йил 20 августдан 20 сентябрга қадар текширув ўтказилган. Текшириш якунига кўра, ҳар 1 гектар ер учун 11 миллион 200 минг сўмдан ер солиғи ҳисобланиб, жами 94 миллион 84 минг сўм миқдоридида солиқ чиқарилган. 2021 йил 23 сентябрда жамият раҳбари Д.Мадримовга солиқ ҳисоботида тўзатишлар киритиш ҳақида талабнома киритилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қароридида текширув натижалари бўйича солиқ ҳисоботидаги таффовутлар ёки хатолар аниқланган ҳолатлар юзасидан солиқ органи томонидан икки кун муддатда солиқ тўловчига уларни бартараф этиш тўғрисида талабнома юборилиши белгиланган. Талабнома юборил-

ган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади.

Аммо, камерал текширув натижаси бўйича солиқ инспекцияси бош инспектори Г.Ж. томонидан аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни қайд этиш тўғрисида 2021 йил 20 сентябрь куни далолатнома тузилган бўлса-да, 94 миллион 84 минг сўм ер солиғи ҳисоблаш тўғрисидаги қарор 2021 йил 8 октябрда қабул қилинган. Яъни, юқорида келтирилган ҳуқумат қароридида талабнома юбориш муддатлари бузилган.

Шу боис, вазирлик томонидан тақдирнома киритилиб, Қораўзак тумани давлат солиқ инспекциясининг қарори бекор қилинди.

Шунингдек, туман давлат солиқ инспекцияси бош инспектори Г.Ж.ни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш бўйича тақлиф киритилди.

Тимур АСАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул
ҳодими

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

БАҒДОД туманининг “Шўр” қишлоғида яшовчи, 1966 йилда туғилган фуқаро М.Раҳимов ўтган 2021 йилда 55 ёшга тўлган, ёшга доир пенсияга чиқиш ҳаракатига тушди. Аммо ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида муаммога дуч келди.



ҲУЖЖАТЛАР АРХИВГА ТОПШИРИЛМАГАН

Яъни М.Раҳимованинг 1991-1998 йилларда Бағдод иختисослаштирилган корхонасида ишлаганлигига оид ҳужжатлар давлат архивига топширилмаган. Шу боис Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Бағдод туман бўлими томонидан мазкур йилларни иш стажига қўйиш рад этилиб, аёлга бу борада судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Шундан сўнг, М.Раҳимов иш стажига тикланишида амалий ердан сўраб, Бағдод туман адлия бўлимига мурожаат қилган. Ўрганиш жараёнида аён бўлдики, ҳақиқатан ҳам Бағдод иختисослаштирилган корхонаси томонидан иш ҳақларига оид ҳужжатлар архив сақловига топширилмаган. Бунга Фарғона вилоят архив иши ҳудудий бошқармасининг Бағдод туман давлат архиви ҳамда Қўқон шаҳар давлат архивидан 2021 йил 4 май ва 25 майда берилган маълумотномалар тасдиқлади.

Шунингдек, Бағдод шаҳарчасида яшовчи Б.Содиқова, туманининг “Қатогон” қишлоғида истиқомат қилувчи И.Темиров ва “Амиробод” маҳалласида яшовчи Н.Сатторовалар ҳақиқатан ҳам у билан бирга Бағдод иختисослаштирилган корхонасида ишлаганликларини тасдиқлаб, гувоҳлик беришди. Шунга кўра, адлия бўлими томонидан М.Раҳимованинг мазкур корхонада ишлаганлик фактини белгилаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2021 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, М.Раҳимованинг 1991-1998 йилларда Бағдод иختисослаштирилган корхонасида ишлаганлик факти белгиланди.

Икромжон ИСАҚОВ,
Бағдод туман адлия бўлими бошлиғи

Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази ходимларининг ўзига хос байрам совғалари!



ВОЛИДАМ ҲАМ УСТОЗИМ

ОНАМ Муқаддас Шамсиева Самарқанд давлат университети тамомлаб, кўп йиллар давомида Фиждудон туманидаги 2-сон умумтаълим мактабида кимё фанидан дарс берган. Хозирда нафақада.

Мактабга қадам қўйганимда волидам менга далда бўлган ва ўқишга, илмга меҳр уйғотган.

Уй вазибаларига қийналган, алифбодан эндигина сабоқ чиқарган пайтларимда волидам сабр-тоқат билан ҳам оналик, ҳам мураббийлик қилганлари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди.

Институтга ўз кучим билан грант асосида ўқишга киришимда ва ҳаётда эришган барча ютуқларимда волидамнинг берган сабоқлари, насихат ва дуоларининг ўрни катта, деб ҳисоблайман. Шундай меҳридарё, оқила инсоннинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Байрам арафасида онажонимни тизимимиз газетасига обуна қилдим. Чунки, зиёли Инсоним учун бунинг нечоғлиқ қадри эканлигини ҳис қиламан.

“Инсон ва қонун” газетасини ўқиб, ушбу газета сингари Сиз ҳам зиё тарқатишда ҳеч қачон чарчаманг, умрингиз узок бўлсин!

Шерзод БАХРОНОВ,

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази директори ўринбосари

**МЕНИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ,
САФАРТОШ МУАЛЛИМА ҚУРБОННЎЗОВА!**
ҚЎЛИМДАН тутиб, ҳарф ёздирётган маҳалингиз шу болакай орадан анча йиллар ўтгач, Сизни ўзи бош муҳаррирлик қилаётган газетига байрам совғаси сифатида обуна қилиб қўйишини ҳамда яқинда нашрдан чиққан китобини дасхат ила ҳада этишини хаёлингизга келтиргангидингиз?

Устоз, бугун шу ўй миямга ярқ этиб урилди: Худо хоҳласа, энди “Инсон ва қонун” Сизни ҳар ҳафта йўқлаб боради ва ҳар бир китобимга дасхат ёзиб, Сизга жўнатаман! Байрам муборак! Умрингиз узок бўлсин!

Қўқор НОРҚОБИЛ,

“Инсон ва қонун” газетаси бош муҳаррири



СИЗЛАР ҲАМ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚСИЗ!

БИР танишим Тошкент вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларидан бирида фаолият олиб боради. У доим менга таҳририятда ишлашимни айтиб, эски сонлари бўлса ҳам газета, журналлардан бериб туришимни сўрайди. Унинг айтишича, жазо муддатини ўтаётган маҳкумалар имкони бўлса газета, журнал ва китоблардан кўпроқ келтириб беришни сўраркан. Бунинг сабабини ҳижжалаб тушунтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун мен шу қарорга келдим: ўша жазони ижро этиш муассасасида биллиб-билмай қилган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган аёллар ҳам бор, улар ҳам байрамларда эътиборда бўлишини, айниқса, 8 мартда умид ва орзуларга кўмилишини ҳис қилиш қийин эмас. Шундай экан, мен ўша жазони ижро этиш муассасасидаги опа-сингилларни байрам билан табриклаган ҳолда “Инсон ва қонун” газетасига ўша муассасани ўз ҳисобимдан обуна қилдим. Энди газетамиз уларга ҳам етиб боради.

Ҳасрат ва армонда ўтирган опа-сингиллар! Сизларга тилагим — мушкулнинг осон бўлиб, тез орада оилангиз, фарзандларингиз, яқинларингиз бағрига қайтинг. Бундан кейинги ҳаёт йўлингиз қувонч ва шодлиқларга тўла бўлсин! Бу ёзганларимни тез орада “Инсон ва қонун” газетасида ўқийсиз!

Байрамингиз муборак бўлсин!

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ОНАЖОН!

ЭСИНГИЗДАМИ, болалигимда — ҳали мактабга ҳам бормеган пайтда уйимизга бир қатор нашрлар қатори “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси келарди. Ўшанда сиз менга ана шу газета номини ҳарфлаб ўқишни ўргатгандингиз. Шунинг учун мен сизни ўзимнинг биринчи устозим деб биламан. Аммо менга илк сабоқни берган маҳалингиз ўғлингиз қачонлардир журналист бўлиб, республиканинг етакчи ҳуқуқий нашрларидан бирида ишлаши тушингизга ҳам қирмагандир.

Бугун мен Сизни ўзим фаолият юритаётган “Инсон ва қонун” газетасига обуна қилдим. Бундан буён ҳар ҳафта қўлингизга газета етиб боради. Байрамингиз муборак бўлсин!

Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” газетаси мухбири



Муносабат

ФАЙЛАСУФЛАРНИНГ

улуғ бир ҳикмати бор:

“Барча йўллар Римга элтади...” Аёлга эҳтиром руҳидан келиб чиқиб “Барча йўллар аёл қалбида туташган...” дегимиз келади. Чунки барча шодлик ва изтиробларнинг ватани — аёл қалби, ҳар қандай бахт энг аввало аёлнинг юрагини ҳаяжонга солади, ҳар қандай ғам-алам аёл қалбига ўқдек ботади.



Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

БАРЧА ЙЎЛЛАР АЁЛ ҚАЛБИДА ТУТАШГАН...

ҚЎМИТА ЭНДИ ЭСКИЧА УСЛУБДА ИШЛАМАСЛИГИ КЕРАК!

Аёл ва оила, оила ва аёл... Бу икки сўзни қандай тартибда ёзишимиздан қатъи назар, уларни айроча тасаввур қилиш қийин, иккиси ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Эту тирноқ шу икки сўзда дунёнинг жамийки қувончу ташвишлари мужассамлашган. Оиладан аёлнинг роли унинг давлат ва жамиятдаги ролидан кўра кучлироқ ва муҳимроқ эканлигини барчамиз яхши биламиз. Аёلسиз, унинг меҳрисиз ҳар қандай ҳашаматли қасрлар ҳам хувиллаб қолади, ғариб ва нурсиз кўринида. Аёл нафақат бахт-саодат қалити, меҳр-мухаббат тимсоли, балки кўнглилар фароғати, хотиржамлиги, фарзандлар камолоти, тарбияси учун масъул. Аёл ўзи ҳимояга муҳтож бўла туриб ҳам, барчага меҳр улаша олишга, кўнглини кўтаришга куч топа оладиган қудратли зот!

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида кенг қўлдан ислохотлар амалга оширилаётганлигини барчамиз яхши биламиз. Ўзбекистон бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингта яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Улар йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда. Аёлларимиз орасида танлиқли давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, ўнлаб сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, профессорлар бор.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуруйиларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди. Фармонда янги тузилган Қўмитанинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб қуйилган белгиланди:

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик қафолатларини таъминлаш, илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;

оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий ҳаловалга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларини эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш, кишлоқ жойлардаги хотин-қизларни оилавий ва ҳусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш;

хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиладан

маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш; хотин-қизлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига ёрдам кўрсатиш.

Шаклан янги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси” тузилди. Аммо янги қўмита мазмунан янги эмас — чунки хотин-қизлар қўмиталари илгари ҳам фаолият юритгани ва хотин-қизлар муаммоларини тўлақонли ечишда катта бир мактаб яратганлигини шахсан ўз тажрибамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида ўн йил фаолият юритган масъул ходим сифатида тан олиб айтидиган бўлсам, янги ташкил этилган давлат қўмитаси ўтган хатоларни такрорламаслиги, фалокат бўлиши, энг муҳими, давлат ва аёл ўртасида мустаҳкам қўприк бўлиши, хотин-қизларнинг елкасидаги оғир юкни енгиллатиш, уларнинг қалбиданги кемтиқларини тўлдирини, кадрларларимизни кадрлаш-ни ўз зиммасига олиши зарур бўлади.

Энди аёлларни минбарлардаги баланд-парвоз матрузалар, сохта ҳисоботлар билан ҳимоя қила олмаймиз. Энди хотин-қизларга ёлгон ваъдалар эмас, амалдаги реал имконият ва ҳақиқий ҳимоя керак! Олди қилиб айтганда: Янги қўмита эски тартибда, эски қоллида ишлашни ҳаёлига ҳам келтирмаслиги керак! Акс ҳолда бу қўмита мақсадсиз, натижасиз ва албатта ишончсиз тизимга айланиб қолиши мумкин.

Чунки ҳуқуқини билмаган аёл болалари билан қўчада бошпанасиз қолар экан, фарзандлари учун алимент олиш учун йиллаб сарсон бўлар экан, қайси бир аёл меҳнатига яраша ҳақ ололмас экан, ишсизлик қамаймас экан, ўзи севган ишини давом эттири олишига тўсиқларни енга олмас экан, эркакларнинг жабр-зулмидан оила барбод бўлиб, аёл ногирон бўлиб қолар экан, ўз боласини ташлаб чет элларда ишлаётган аёлларнинг муаммоси ечим топмас экан, жамиятимизда ўз боласини сотаётган, ўзини бозорга солаётган аёллар сони қамаймас экан, аёл зоти одоб ва ахлоқ чегараларини бузишдан ноумус қилмас экан, билингки, бу жамиятнинг энг оғирлиқ нуқталари, қонунаруйимнинг кадрларимиздан узоклиги, масъулларнинг масъулиятсизлиги қасофатидир. Ва, бу муаммолар ечим топмагунча жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлигига эришиб бўлмайди! Бу муаммолар билан аёлни бахтли қилиш қийин, оилани эса бахт қасрига айлантира олмаймиз! Хуллас, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси барча хотин-қизларнинг ҳаётига янгича мазмун олиб қирадиган мутлақо янгича тизимга айланишига умид боглаймиз!

Янгилашни ва баҳор айёми, нафосат байрам муборак бўлсин, қадри аёллар!

Савол-жавоб

ХАРИДОРНИ АЛДАГАНГА
ЖАЗО БОРМИ?

— Кўпинча маҳсулот харид қилаётганимизда товарнинг номланишида ўхшашликларга дуч келамиз. Қонунчилик-мишда машҳур бренддаги маҳсулотларга ўхшаш номда маҳсулот ишлаб чиқараётган, харидорларни чалғитишга, алдашга уринаётганлар учун жавобгарлик борми?

Бахтиёр Самадов,
Тошкент вилояти

— Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида" - ги 267-II-сонли Қонунининг 37-моддасига кўра, товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби белгиланган.

Товар белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир турдаги товарлар учун белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Ҳуқуқ эгасининг аризаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги товар белгисидан ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик ҳуқуқбузарга нисбатан жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, Агентлик жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида беради.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

Саволга жиноят ишлари бўйича
Олмасор туман суди судьяси
Мирзиев АБИДОВ жавоб берди.

Йиғилиш баённомасида раис ўз вазифасини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаганлиги, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилмаганлиги туфайли Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" - ги Қонунининг 24-моддасига кўра вазифасидан озод этилгани асос сифатида кўрсатилган. Бироқ И.Камолов бунинкор этиб, ўзини ноқонуний ишдан бўшатилган, деб ҳисоблайди. Шу боис раис "Таррачи" МФЙ-нинг 2021 йил 28 июндаги 1-сонли баённомасини бекор қилиш ва ўз лавозимига ишга тиклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судига даъво ариза киритган. Лекин суд унинг даъвосини рад этган. Бинобарин, даъвогар суд қароридан норози бўлиб, Фарғона вилоят судига апелляция шикоят билан мурожаат қилган.

Апелляция суди мажлисида И.Камолов гайриқонуний равишда ишдан бўшатилгани аён бўлди. У 2021 йил 28 июнь кунги кенгаш йиғилишида қатнашмагани, МФЙ раисини вазифасидан озод қилиш бундай тартибда амалга оширилмаслиги, аҳолининг кўпчилиги билан овозга қўйилиши лозимлиги, кенгаш қарорининг қабул қилинишида меҳнат қонунчилиги бўзилганлиги, йиғилишда кенгаш аъзолари тўлиқ иштирок этмаганлиги, ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги буйруқ ва меҳнат дафтар-

БУВАЙДАЛИК И.Камолов 2019 йил 10 июлдан буён тумандаги "Таррачи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келаётганлиги. Аммо фуқаролар йиғини кенгашининг 2021 йил 28 июндаги 1-сонли баённомаси ва 3-сонли буйруғи билан у ноҳақ ишдан бўшатилди.

Раис ўз ишига
тикланди

часи берилмаганлигини билдирди. "Таррачи" МФЙ раисининг ўринбосари О.Сайдалиеванинг тушунтириш беришича, 2021 йил 27 июнь куни маҳаллага туман ҳокимлиги вакили келиб, раисни вазифасидан озод қилиш учун аҳолининг учдан икки қисми овоз бериши лозимлигини айтган. Аммо раис ўринбосари аҳолини тўпلاшга рози бўлмаган. Қолаверса, кенгаш раиси ва аъзолари йиғилиш ўтказишга рози бўлмаганликлари сабабли ҳокимлик вакили профилактика нозирига кенгашнинг янги аъзолари рўйхатини шакллантиришни тайинлаган. Шунга кўра, янги кенгаш аъзолари рўйхати шакллантирилиб, йиғилиш ўтказилган.

Амалдаги қонунчиликда фуқаролар йиғини кенгашининг фуқаролар йиғини раисини вазифасидан озод

қилиш тартиби назарда тутилмаган. Гарчи, тилга олинган кенгаш йиғилишининг қароридида мазкур қарорнинг тасдиғи туман ҳокимлигидан сўралиши белгиланган бўлса-да, туман ҳокимлиги бунини тасдиқламаган. Ана шу асосларга таянган Фарғона вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2021 йил 4 ноябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, И.Камоловни "Таррачи" МФЙ раиси лавозимига тиклаш юзасидан ажрим чиқарди. Шунингдек, суд ажримиди Бувайда тумани маҳалла ва оилани қўллаш бўлимида раиснинг фойдасига 11 миллион 504 минг сўм иш ҳақини ундириш ҳам белгиланди.

Бузрукхон АБРОРОВ,
Фарғона вилоят суди судьяси

ҒИЖДОВОНЛИК Б.Саидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёмонларга шерик бўлиб, уларни ўзига ҳамроҳ қилди. У.Темиров, А.Неков, Ғ.Рауповлар билан жиноий тўда ташкил этишди.

Қармоғига
эчкини
"илинтирган"
нодонлар

Қизини турмушга узатиб, қўни-қўшни қариндошлардан қардор бўлган Баҳром энди пул топиш, қарзларни узиш ҳақида бош қотира бошлади. У Шофиркон туманидаги "Оғитма" қўлидан балиқ овлаб, балиқчилик ортидан даромад топишни ўйлаганди. Бироқ, бу режаси у кутгандек бўлмади. Ҳадеганди қармоғига балиқ илинавермади. Аммо...

Аммо унинг "режа"си ўзгарди. Ўзига ўхшаган шумиятли ошналари билан 2017 йил 16 декабрдан 17 декабрга ўтар кечаси ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида Шофиркон туманидаги "Полновобод" қишлоғида яшовчи фуқаронинг ҳовлисига гайриқонуний равишда кириб, унинг кўрасидан икки бош кўчқорни яширин равишда ўғирлаб, ҳодиса жойидан гойиб бўлишди.

Гўёки балиқ овидан қайтаётган жиноий гуруҳ аъзолари Ғиждовон тумани "Оёқ оғитма" қишлоғидаги яйловда қаровсиз қолдирилган фуқаро М.Бобоевга тегишли 6 бош эчкини яширин равишда ўғирлаб, "ош қилишди".

Ўғирлик борасида қўллари ром бўлиб, виждони қийналмай қолган "ишбилармон"лар Шофиркондаги "Қўргони Вардонзе", Пешку туманидаги "Жонгелди" қишлоқларидаги фуқароларга тегишли бўлган чорва молларини ўғирлаб, "ҳазм" қилиб юборишди.

Кўза синадиган кун келди. 2021 йил 16 январь куни тунда ўғирлар "Ғалаба" чўл массиви ҳудудида жойлашган "Ғалаба" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган 8 бош қўни яширин равишда ўғирлаб, жиноят жойидан яширинишди.

Аммо уларнинг қилган жиноятларини яшириши узоққа бормади. Жиноятчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди. Ва...

Суд ҳукмига биноан Б.Саидов, У.Темиров, А.Неков ва Ғ.Рауповлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбни деб топилиб, озодликдан маҳрум этилди.

Улугбек БОЗОРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Шофиркон туман суди
раиси

Ф.ЁДГОРОВ (исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддан икки мартаба талончилик жиноятини содир қилганлиги учун судланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тўғри хулоса чиқармади. У 2021 йил 9 август куни Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонаси биноси томонга бораётган О.Аслонованинг бўйнидаги бир дона аёллар тилла занжирини юлиб олиб, жабрланувчининг 5 миллион сўмлик мулкни очикдан-очик талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинган.

ТИЛЛА ЗАНЖИР ҚЎЛИГА
КИШАН БЎЛДИ...

Ф.Ёдгоровга нисбатан бўлган жиноят иши судда қўриб чиқилиб, унинг айби жабрланувчининг аризаси, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, шахсни фотосуратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадвал, бир дона диск билан ўз исботини топди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2021 йил 22 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ф.Ёдгоровга 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Юқоридаги суд ҳукмига нисбатан Ф.Ёдгоров тайинланган жазони енгиллаштириш масаласида апелляция шикояти келтирилган. Шикоятта асосан иш вилоят судида қўриб чиқилиб, апелляция инстанциясининг 2022 йил 19 январдаги ажрими билан биринчи босқич судининг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилди.

Нозимжон ЖҲРАЕВ,
Бухоро вилоят суди судьяси

Кийиниш ҳам маданият...

ё бу фикрга қўшилмайсизми?

Инсоннинг кийинишига қараб ҳам унинг дунёқараш, одоб-ахлоқи қай даражада эканлигини билиш мумкин.

ТАРИХДАН аёнки, кийиниш, қандай кийим кийиш, қайси пайтда кийиш фарзанд тарбиясининг энг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб келган. Хусусан, бобо ва момоларимиз болани ёшлигиданоқ миллий кийим билан ясантириб қўйишган. Натижада фарзандлар ана шу миллий либосларга ўзгача бир меҳр қўйган.

Бундан ташқари, кийимнинг қандай матодан тикилганига ҳам жиддий эътибор қаратишган. Бўз, илак, чит, суруп сингари матолардан кўпроқ фойдаланилган. Негаки, улар ҳаво ўтказиш хусусияти билан ҳам киши танасига ҳузур бағишлаган. Ҳатто бу матолардан тикилган кийимларга бағишлаб шеърлар ёзилган, қўшиқлар яратилгани ҳеч биримизга сир эмас.

Ёки бир-бирдан бежирим қилиб тикилган дўппиларни айтмайсизми. Ҳатто ҳар бир вилоятнинг, ҳудуднинг ўзига хос дўпписи яратилган. Ҳозир ҳам бор улар. Бошидаги дўпписига қараб, ўша инсоннинг қаердан эканлигини билиб олиш қийин эмас. Ёхуд яқин-яқингача бўлажак келинлар ўз ёрига атаб дўппи тикканини ёнки қайноналар куёвига атаб бозорнинг энг олди дўпписини харид қилиб, қизининг сепига қўшганини бугунги кексалар ва ўрта авлод вақиллари жуда яхши билишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, йиллар, даврлар ўтиши билан ҳаёт ўзгармоқда, инсонлар ўзгармоқда. Утган асрда собиқ мустабид тузум халқимизни ўзлигидан йироқлаштиргани рост. Шу жумладан, кийиниш маданиятидан ҳам. Аввалига секин-аста миллий кийим бошдан тушган бўлса, кейинчалик русча,

бора-бора оврупоча кийиниш факрга айланди.

Қишлоғимизда кўп йиллар "Ўзбек тили ва адабиёти" фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган устоз Абдурахим Маҳмамов борлар. У киши ўтган асрнинг олтинчи йиллари охирида олийгоҳда ўқиган даврларини шундай ҳикоя қилиб берганди:

— Шаҳарда — институтда ўқиётган пайтимизда яланбош юрад-дик, талаб шундай эди. Ҳафтанинг охирида, қишлоққа қайтаётганимизда эса поезддан тушишдан аввал бошимизга дўппиларни кийиб олар-дик. Кейинчалик эса кимдир дўппи кийса, ён-атрофдагилар ажабланиб қарай бошлади.

Ҳатто бирор кимса кўчада дўппи кийиб юрса, таниш-билишлари: "Яқинларингдан, қариндош-уруғларингдан кимдир вафот этдими?", — дея сабабини суриштириш даражасигача борди.

Хўш, нима учун биз миллий кийимимиздан ўзоқлашдик? Ахир, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов "Ўзбегим" шеърда:

*Қайса бормай, бошда дўппим,
Ҳозирман гирдайд, Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, Ўзбегим.*

деган мисраларни ёзганда ҳар бир ўзбекининг бошда дўпписи билан ғурурланишини истаганди-ку. Энг ачинарлиси, кечаги дўппи кийишдан қонган авлоднинг фарзандлари — бугунги ёшларнинг айримлари уни кўрмаган ёки бирор марта бўлса ҳам киймаган. Жилла курс, хорижда таҳсил олаётган ёшлар ўзининг ўзбеклигини намоён этиш учун бўлса-да, дўппи киймайди.

Айрим хорижий давлатлар илғор тажрибаси, иқтисодий-тимизга сармоясини киритиш билан бирга ўз менталитети, бизнинг миллийлигимизга ёт бўлган қарашларини ҳам сингдиришга уринмоқда. Бундай мақсадлар учун миллиардлаб маблағ йўналтирилаётгани ҳам сир эмас бизга. Афсуски, билими саёз, дунёқарашли ҳали

бўлади ҳолос. Қолаверса, ўта тор кийиниш туфайли баъзи репродуктив касалликлар келиб чиқиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ёки айрим аёлларнинг қоп-қора рангда кийинишини ҳам ёқлаб бўлмайди. Негаки, қора мато қуёш нуруни ўзига жуда тез ва кўп тортади. Оқибатда ортиқча ҳарорат таъсирида инсон организмда турли касалликлар

келиб чиқиши мумкин. Бинобарин, бобо ва момоларимиз кийимнинг рангига ҳам алоҳида эътибор беришган. Агар мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини ўзида акс эттирувчи турли

видеоликларга эътибор қаратсак, албатта, уларда миллийлигимиз рамзи саналган атлас ёхуд адрас тўқиш жараёнлари туширилган тасвирларни ҳам кўраемиз. Яъни, атлас ва адрасни миллий кийимимиз сифатида дунёга тараннум этаемиз. Бироқ хорижликларга кўз-кўз қилган ана шу матодан тикилган либосларни аёлларимиз, қизларимиз деярли кийишмайди.

Ёш йигит-қизларимизнинг кийинишида киши дилини хира қиладиган яна бир ҳолат мавжудки, бу — турли ажнабий ёзувлар ҳамда суратлар туширилган кийимлардир. У ёғини сўрасангиз, ўша кийим соҳибни эғнадаги либосда нима ёзилгани-ю, нега унақа тасвир

акс этганини тушунмайди.

Яқинда тахминан мактабнинг юқори синфда ўқийдиган қизнинг ўз тенгдошлари (асосан қизлар) синфга янги келган, нисбатан ўртаҳол оиланинг қизини одмироқ кийингани боис ажратиб қўйишгани, баъзан камситишларини ёнидаги дугонасига сўзлаб бераётганига гувоҳ бўлдим. Энди ўзингиз айтинг, фарзандларимиз бундай номақбул муомалани қаердан, кимдан ўрганишяпти?

Албатта, оиладан-да! Ахир, мактабга таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар мактаблари, техникумлар ҳамда олий таълим муассасаларида — ҳар бир таълим босқичида кийинишга оид ўзига хос талаблар мавжуд. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактаб формасида бўлишларини доимий назорат қилиб туриш шарт. Бунинг ўрнига уларни миллийлик, билим олиш, китобхонлик, тил ёнқи бирор-бир хунарни ўрганганлик нуктаи назардан мусобақага қорлаш қандай яхши?

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кийиниш бобидаги маданиятсизлик ҳам бамисоли даво чоралари қўрилмаётган дардга ўхшайди. У тузатишмас экан, газак олиб бораверади. Шундай экан, аввало ота-оналар, қолаверса, кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга инсонлар, нурунийлар, маънавий фидойилари, зиёлилар ҳамда биз — оммавий ахборот воситалари ходимлари бу борада янада кенроқ тушунтириш ва тарғибот олиб бурсак, нур устига аъло нур бўлар эди.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ўзларининг "Ижтимоий одоблар" китобида кийиниш ободига муфассал тўхталганлар. Бу хусусда улуғ уламоимиз: "Инсоннинг кийиниши унинг ички-маънавий дунёсининг сиртда акс этишидир, дейишимиз мумкин. Қайси инсонда уят, ҳаё, ор-номус деган тушунчалар бўлса, ўша инсон ўз обрўсини сақлайдиган, бошқаларнинг нафратини қўзғитмайдиган ҳолатда кийинади" дея таъкидлайдилар.

тўла шаклланмаган ҳамюртларимиз — кўпроқ ёшларимиз уларга кўр-қўрона эргашмоқда, тақлид қилмоқда.

Эрта-индин бир оиланинг бекаси бўладиган қизларнинг тиззаси, тиззадан юқори қисми йиртиқ (сиртилган) шим кийиши ҳам қайси мезонга тўғри келади?

Модомики, гап шим хусусида борар экан, баъзи йигитларнинг ҳатто жамоат жойларида ҳам шим ўрнига баданга ёпишиб турадиган енгил кийимда юришлари (худди ярашмаган ямоққа ўхшаб) ни таассуф билан тилга олиш лозим. Бу то-йифадагилар ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортмай қолмайди. Ваҳоланки, ҳар бир кийимнинг ўз ўрни, кийиш мавриди бор.

Ёхуд аёлларнинг, қизларнинг ўта тор, калта ёнқи бадани кўриниб турадиган даражадаги кийинишини олайлик. Дарҳол ён-атрофдагиларнинг эътиборини тортадиган айна ҳолат фақат ва фақат салбий муносабатга, муҳокамаларга сабаб

ЭЪЛОН

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2022 йил 15 февралдаги 10-ум-сонли бўй-руғига асосан "Raxim Xo'janoyoz" адвокатлик бюроси адвокати Xo'janoyozov Baxrom Raximovichga 2018 йил 27 декабрда HZ №000089 рақам билан ҳамда "Jalaladdin Mangubardi himoyachiligi" адвокатлик бюроси адвокати Xo'janoyozov Muxamedra 2018 йил 27 декабрда HZ №000017 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик макрми тугатилди.

Инсон ва қонун

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkaz.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рухсатла олинган

ISSN 2010-7497
9 72010 7497 0081

Бош
муҳаррир

Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музафр Мубаракходжаевич
Токиев Фурад Шомуродович
Юлдашева Шоҳидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлзмалар тахрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулбахор Ортиққўжаева

Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер ба-
засида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма
табоқ ҳажмда, офсет усулида "Шарк" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Тиражи — 4000
Буюртма — Г-362

Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 21:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

НАФС ҚУЛИ

(Ҳаётини воқеа)



У кишидан бўшаган қўлини уқалай-уқалай қоронғи ҳамда турли қўланса ҳидлар ўрнашиб қолган вақтинча сақлаш хибс-хонасидаги темир кроватга омонат ўтирди.

Хонани олазарак кўздан кечирди. Сўнг, ух тортганча, бошини чангаллади. “Нима қилиб қўйдим ўзи мен? Энди нима бўлади, қачон озодликка чиқаман?” — деган савол миясини пармалай бошлади. Хотини ва фарзандлари, айниқса, энди тилга кирган, ҳар нарсани қизиқиб сўрайверадиган ўғли кўз олдида намоён бўлди. Афсус-надоматга қоришиқ соғинч ичига сиғмай, “ух” ва “о-ох”га айланганча бўғзидан кўчди. Ўрнидан кўзгаллиб, хона бўйлаб одимлай бошлади...

Хона тор эмасми, икки-уч қадам юрмасдан, пешонаси деворга тақалавергач, кроватига қайта чўкди. Бир муддат кўзини юмганча чалқанчасига ётди. Кўзини очганида тепасида уйи ётоқхонасидаги чиройли оппоқ шифт эмас, аксинча, кроватининг тўқима симларини кўриб, инграб юборди.

Нигоҳи билан бир-бирига чалқашиб кетган кроват симларининг боши ва охирини излай бошлади ва ҳаёт чалқаш, мен адашдим, дея ўйлади. Кейин бирин-кетин масъул лавозимга тайинлангани ва қамалиш билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар кўз ўнгидан ўта бошлади.

Унга катта ишонч билдиришди, одамлар хатти-ҳаракатига баҳо бериш, уларнинг

низосини ҳал этишдек ўта масъул вазифага тайинланди. Ишхонаси тоза-озода, маоши мавқеига монанд катта, давлат томонидан ажратилган машина хизматида. Ота-онаси дуода, оиласи ва фарзандлари ёнида, ҳурмати жойида.

Ўзи раҳбар этиб тайинланган маҳкамада узоқ йил ходим бўлиб ишлагани ва қонунларни яхши билиши қўл келди, раҳбарликка тез ўрганиб, вазифасини ўтай бошлади.

Нимада хато қилди, бари нимадан бошланди?

Ҳаммаси шу вазифага тайинланиши билан бошланди чоғи, тенг-тўш, таниш-билишлари орасида бирдан обрўйи ошди. Тез-тез

“бир пиёла чой”га, турли давраларга таклифлар бошланди. У, дастлаб, бормасам ҳурматсизлик бўлар, катта бўлиб кетди, бизни менсимасди, дейишади деган истихолода чақирилган жойларга бориб юрди.

Кейинчалик, еган оғиз уялар дея, бир-икки мартаба ўзи ҳам улфатларига ҳақ берди. Шу-шу турли базмларга ҳам, спиртли ичимлик ичишга ҳам ўрганди.

Ичкилик, ҳа-ха, ичкилик бошига етди. Аҳвол шу даражага етдики, кунда ичмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Отасининг узоқдан олиб гапирган насиҳатини ҳам қўлогига илмади. Ишдан чиқди — уйига шошилиш ўрнига улфат қидириш одати бўлди.

Охири шарманда бўлди. Уч нафар фарзандини дунёга келтириб, тарбиялаётган, кунига ишдан келгунча йўл қараб, овқат емай кутиб ўтирадиган хотинига хиёнат қилди. Эри ташлаб кетган аёлга илакишиб, зино ботқоғига ботди.

Бошида суяман, Сизсиз ўламан деган “танноз” вақт ўтиб, турли-туман ноз карашма чиқарди, ҳали у керак, ҳали бу

керакдан оғзи бўшамай қолди.

Ойлиги энди эҳтиёжу, хою-ҳавасларига етмас, ҳам улфатчиликларга ва “иккинчи”ни таъминлашга қўшимча маблағ даркор бўлди. Нафси ҳақалак отиб, жазони енгиллатман деб пул таъма қилди ва пулни олар пайти қўлга тушди.

Мана энди ётгани, фиғони фалак, сўнгги пушаймон ўзининг душман бўлиб...

Тепасидаги кроват симларидан кўз узмай ётавериб, кўзи тинди, шуури хиралашди, шунда отасининг: “Болам, мансаб бир синов, ичкилик эса душман. Халқимиз бежиз эсинг борида этагингни йиғ, демаган. Нафсинг қўлига айланма, кўзингни оч, бола!” — деган гапи қўлогига чалинди.

Сўнг. Ичиб келиб, уйда хотинига бақиргани-ю, жанжал қилганида хотинининг кўзи тўла ёш, мўлтираб термилгани, учга чиқиб-чиқмаган ўғлининг аясини кучоклаб йиғлагани кўз олдида гавдаланди.

Пушаймонликдан чуқур ух тортди, ўзига қўшиб нафсига лаънатлар ёғдирди, лекин энди кеч эди...

Нафсим менинг балодур,
Ёнар ўтга салодур.

Халқ мақоли

Мувоозанатни белгилаш меъзони

Бир замонлар Ҳазрат Сулаймон подшога икки хотин бир болани олиб келди. Бири “бу бола меники” деса, иккинчиси “йўқ, меники” дерди. Сулаймон: — Ҳеч қачон бир бола икки онадан туғилмайди! Бола иккингиздан бирингизники. Иккалангиздан бирингиз ёлғон сўзламоқдасиз, — деди.


Уларнинг иккаласи ҳам: Бола меники, деб даъвосини қўймади. Сулаймон подшо даъвогарларнинг можаросини кейинги кунга қолдирди. Адолат пешвоси тун бўйи қандай чора кўрилса, адолатни қарор топтириш мумкинлиги ҳақида ўйлаб чиқди.

Эртаси куни эрталаб хотинлар келгач Ҳазрат Сулаймон:

Даъволарингни ҳал қилдим. Болани иккига бўламан. Бир кўз-қулоқ, қўл-оёқ сенга, бир кўз-қулоқ, қўл-оёқ эса сенга, — деган эди сохта она “майли”, деди. Ҳақиқий она эса: — Ё Сулаймон! Сиз нима қилмоқчисиз?! Бола ўлади-ку! Бундай қилманг, майли, бола унга бўла қолсин, мен учун тирик бўлса, яшаса бўлди, — деди.

Ҳазрат Сулаймон боланинг бўлинишини истаган “она”ни жазога тортди. Сўнг ҳақиқий онани кўрсатиб: — Болани мана бу аёлга беринглар. Зеро, гўдакнинг онаси шудир! — деб амр қилди.

Сулаймон подшонинг бу одил ҳукми бутун мамлакатга тарқалибди ва барча унинг адолатпарварлигига таҳсинлар айтибди.



“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан